2012 йил
Мустаҳкам оила йили

# Qishloq hayoti

Қишлоқ ҳаёти

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi www.qishloqhayoti.uz 2012-YIL 29-NOYABR, PAYSHANBA, 140-141 (8066)-sonlar

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan
Bahosi kelishilgan narxda.




# ҚЎҚОННИНГ ЯНГИ ҚИЁФАСИ



**Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 5 майда қабул қилинган "Фарғона ва Қўқон шаҳарларини 2008-2012 йилларда реконструкция қилиш, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар дастурини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарори доирасида олиб борилаётган кенг кўламли бунёдкорлик ишлари самарасида кўҳна ва навқирон Қўқон шаҳри янгича қиёфа касб этмоқда.**

Шаҳарда замонавий шаҳарсозлик талаблари асосида кўркам ижтимоий иншоотлар, янги ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш объектлари, савдо мажмуалари қад ростлади. Хусусан, Қўқонсой соҳили ёнида муҳташам Бахт уйи барпо этилди. Бу кошонада 700 ўринга мўлжалланган тантаналар саройи ҳам бор. "Микрокредитбанк" ва "Ипотекабанк"нинг филиаллари бинолари, 7-болалар мусиқа ва санъат мактаби, "Индорама Қўқон текстиль" қўшма корхонаси, "Миллий чойхона", болалар спорт мажмуаси қуриб битказилди. Шаҳардаги Ўрда майдонида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари бажарилиб, замонавий аттракционлар ўрнатилди. Аҳолига қулайлик яратиш мақсадида "Деҳқон бозори" ва "Кўкат бозори" янгидан бунёд этилди. Амалга оширилаётган ушбу бунёдкорлик ишлари ягона мақсадга – Қўқон шаҳри иқтисодиётини ривожлантириш, эзгу орзу-умидлар ва эртанги кунга ишонч билан яшаётган Қўқон аҳлининг турмуш фаровонлигини янада юксалтиришга хизмат қилмоқда.

**Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎзА) олган суратлар.**

## САҲИФАЛАРДА:




ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР – ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ 2



ЗАМИН ШИФОКОРЛАРИ 3







КИТОБ ҚАЛБНИ ЭРИТГУВЧИ НУР 8

# ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

***Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 28 ноябрь куни Оқсаройда Европа Иттифоқининг Ташқи ишлар ва хавфсизлик сиёсати бўйича олий вакили, Еврокомиссия вице-президенти Кэтрин Эштонни қабул қилди.***

Давлатимиз раҳбари Европа Иттифоқи ташқи сиёсат хизмати раҳбарини юртимизга ташрифи билан қутлар экан, ушбу учрашув Ўзбекистон билан Евроиттифоқ ўртасидаги муносабатларнинг бугунги ҳолатини батафсил таҳлил қилиш, ҳамкорликни ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилаб олиш учун яхши имконият эканини таъкидлади.

Ўтган йиллар давомида турли соҳаларда ҳамкорлик бўйича салмоқли тажриба тўпланди, унинг мустаҳкам институционал асоси яратилди, бу икки ва кўп томонлама тузилмалар фаолиятида ўз ифодасини топмоқда. 1996 йили Флоренцияда имзоланган Шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим ўзаро муносабатларни тартибга солувчи асосий ҳужжатдир.

Ўзбекистон ва Евроиттифоқ раҳбарларининг 2011 йил январь ойида Брюсселда ўтган олий даражадаги учрашуви ҳамда унинг якунлари бўйича имзоланган ҳужжатлар ўзаро муносабатларни сифат жиҳатдан янги поғонага кўтарди. Ўтган йили ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 19 фоиз ўсиб, 2,36 миллиард АҚШ долларини ташкил этди. Жорий йилда ҳам бу ижобий тенденция давом этмоқда.

Томонларнинг ўзаро савдо учун шарт-шароитни янада яхшилаш ва уни диверсификация қилиш бўйича маъқулланган саъй-ҳаракатларни, Ўзбекистонга Европадан сармоя жалб этишни янада кенгайтиришни, мавжуд ресурслар ва илғор технологиялар асосида қўшма лойиҳаларни амалга оширишни давом эттиришга тайёрлиги таъкидланди.

Давлатга қарашли ва нодавлат ташкилотлар ўртасида маданий-гуманитар, илмий-маърифий ва бошқа соҳаларда тўғридан-тўғри алоқаларни қўллаб-қувватлашдан томонлар манфаатдор эканлиги қайд этилди.

Учрашувда долзарб минтақавий муаммолар, Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш, жумладан, Афғонистондаги вазият ривожи билан боғлиқ айрим масалалар муҳокама қилинди.

Кэтрин Эштон самимий қабул ҳамда икки томонлама муносабатлар, долзарб минтақавий ва халқаро масалалар юзасидан батафсил ва самарали фикр алмашиш борасида яратилган имконият учун Президент Ислом Каримовга миннатдорлик билдирди. Евроиттифоқ Ўзбекистон билан узоқ муддатли ва ўзаро манфаатли муносабатларни ривожлантиришдан манфаатдор эканини таъкидлади.

Учрашувда Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи манфаатларига тааллуқли бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

**ЎзА**





# ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР – ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

## ПОЙТАХТИМИЗДАГИ «ЎЗЭКСПОМАРКАЗ»ДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ, ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ, ЧАНҚОВБОСДИ ИЧИМЛИКЛАР, ИНГРЕДИЕНТЛАР, САВДО, МУЗЛАТИШ ВА ҚАДОҚЛАШ УСКУНАЛАРИНИНГ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН «ЎЗАГРОЭКСПО – 2012» VIII ХАЛҚАРО КЎРГАЗМАСИ ИШ БОШЛАДИ.

Мазкур тадбир Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар, Озиқ-овқат саноати корхоналари уюшмаси ва "IEG Uzbekistan" халқаро кўргазма компанияси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Кўргазмада юртимиз ҳамда Хитой, Германия, Италия, Франция, Россия, Украина, Польша каби мамлакатларнинг олтмишдан зиёд фирма ва компаниялари ўз маҳсулот ва хизматлари билан иштирок этмоқда.

Унинг очилишида таъкидланганидек, мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида иқтисодиётимизнинг муҳим соҳаси қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш ҳамда янги, замонавий техника ва технологияларни жорий этиш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда.

Кўргазма мажмуасини айланар экансиз, буни янада ёрқинроқ ҳис этасиз. Хусусан, "Muzimpex" корхонасининг мева-сабзавотдан тайёрланган шарбат ва шиннилари, музқаймоқ ва колбасалари, "Euro food trade" ва "TBS Group" компанияларининг консервалари, "Vazira Biznes" ҳамда "Gently milk" корхоналарининг сутдан тайёрланган маҳсулотлари иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Шунингдек, кўргазма иштирокчилари Россиянинг жаҳонга машҳур Ротсельмаш – "Клевер" МЧЖда ишлаб чиқарилган ғалла ўриш, буғдойни қайта ишлаш, ем-хашак йиғиш, тиркама ва осма техникалари намуналари билан танишиши мумкин. Беларус республикасининг йирик ишлаб чиқарувчи компанияси ҳисобланган "Гомсельмаш" ўзиюрар ғалла ўриш комбайнлари, сепиш, ўриш ва майдалаш машиналари ҳамда культиваторини тақдим этмоқда.

– Хўжалигимиз асосан чорвачиликка ихтисослашган, – дейди Хоразм вилояти Хива туманидаги "Сотимбой Ёқубов" фермер хўжалиги раҳбари Ўктамбой Ёқубов. – 80 бош чорвамиз бор. Бундан ташқари, ғалла ва пахта етиштирамиз. Жорий йилда ғалладан 40 центнердан, пахтадан 35 центнердан ҳосил олдик. Мақсадимиз ўзимизда етиштирилган маҳсулотни қайта ишлашни йўлга қўйиш. Бу жараёнда бизга мана шундай тадбирлар қўл келади.

Фермерларнинг замонавий қишлоқ хўжалиги техникаларига қизиқишини қишлоқ хўжалиги техникалари (плуглар, культиваторлар, борона дисклари, ғалла сеялкалари) ва тупроққа ишлов берадиган техникаларнинг эҳтиёт қисмлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган "Велос–Агро" корхонасининг экспозициясида ҳам кўриш мумкин.

"Agrotechsystem & CMC" МЧЖ (Ўзбекистон), "China tangshan zhifu plastic machinery Co" Ltd (Хитой) компанияларининг қишлоқ хўжалиги техникалари, чорвачиликка ихтисослашган "Обрий" (Украина), паррандачилик бўйича "Facco" (Италия), уруғ етиштириш ва ўғит ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи "Vitafruit" (Италия), "Седек" (Россия) каби компанияларининг техникалари ҳам кўпчиликда катта қизиқиш уйғотмоқда.

– Юртимизда фермер хўжаликларини замонавий техникалар билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда, – дейди "SN invest" МЧЖ директори Оловуддин Муродов. – Жумладан, ҳар йили анъанавий равишда ўтказилиб келинаётган кўргазмалар орқали фермер ва соҳа мутахассислари ўз даромадлари ва банк кредитлари ҳисобидан янги замонавий қишлоқ хўжалиги техникаларини харид қилмоқдалар. Бизнинг жамиятимиз ҳам мазкур кўргазмада доимий равишда қатнашиб, қишлоқ хўжалиги техникаларини намойиш этиб келмоқда. Айни пайтгача кўплаб фермерлар билан келишувларга эришдик, шартномалар имзоладик.

Мамлакатимизда тадбиркорларимиз томонидан озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш борасидаги саъй-ҳаракатлари, эришилаётган натижалар кўргазма стендларида яққол кўриниб турибди. Жумладан, қандолатчилик маҳсулотлари ва ингредиентлар ишлаб чиқарувчи корхоналар стендларида шакар, кунгабоқар ёғи, сут, пишлоқ, ун, ёрма каби маҳсулотлар намойиш этилмоқда. "Pabstek" (Франция) компанияси хушбўйлик бағишловчи, шакар ўрнини босувчи ва ранг берувчи қўшимчаларни, Украинанинг "Дейсон" корхонаси печенье, вафли ва кексларнинг бир неча турини намойиш этмоқда. Шунингдек, омборлар ва савдо мажмуалари учун тарозилар, автоматлаштирилган тизимлар, мева ва сабзавотни сақлаш, саралаш ва қадоқлашга ихтисослашган технологиялар иштирокчиларга манзур бўлаётир.

"Чорвачилик ва ветеринария" бўлимида эса зотдор қорамол, парранда, қўй, балиқ учун витаминли қўшимчалар намойиш этилмоқда.

Фермер ва боғбонларга ниҳол кўпайтириш ва уруғ етиштириш усуллари, ўғит ва агрокимё воситалари намойиши манзур бўлаётир. Бу усул ва воситалар қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажмини ошириш ва сифатини яхшилашга хизмат қилади.

Ўз ишини яна бир неча кун давом эттирадиган кўргазма иштирокчиларга замонавий технологиялар билан танишиш, уларни танлаш ва сотиб олиш имкониятини беради.

**Ҳасан МЎМИНОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**
*Р.ГАЛИЕВ олган суратлар.*

○ **Шахмат**

# МОРОЗЕВИЧ ПЕШҚАДАМ, ҚОСИМЖОНОВ ТАЪҚИБЧИЛАР САФИДА



*Турнирдаги ҳозирча ягона бўлиб турган ғалабасини ҳамюртимиз Рустам Қосимжонов хитойлик Ванг Хаога қарши кечган бешинчи турдаги баҳсда қўлга киритган эди.*

## Шахмат бўйича ФИДЕ Гран-при Тошкент мусобақасининг 6-тур учрашувлари бўлиб ўтди. Унда ҳамюртимиз Рустам Қосимжонов АҚШлик Гата Камскийга қарши қора доналарда ўйнади.

Уч ярим соатдан ошиқроқ давом этган ушбу баҳсда кучлар тенг келди.

Пётр Свидлер ва Сергей Карякин, Фабиано Каруана ва Руслан Пономарёв, Борис Гельфанд ва Шаҳриёр Мамедяров, Петер Леко ва Ванг Хао ўртасидаги учрашувлар ҳам дуранг натижа билан якунланди.

Олтинчи турда биргина шахматчи ғалаба нашидасини суришга муваффақ бўлди. Александр Морозевич Леньер Домингес Перес устидан ғалабага эришиб, тўрт очко тўплаган ҳолда яна якка пешқадамга айланди.

Кейинги ўринларда бораётган шахматчилар Фабиано Каруана, Шаҳриёр Мамедяров, Рустам Қосимжонов, Сергей Карякин ҳисобида уч яримдан, Руслан Пономарёв, Пётр Свидлер, Ванг Хао, Петер Лекода учтадан, Леньер Домингес Пересда икки ярим, Борис Гельфанд ва Гата Камскийда эса иккитадан очко мавжуд.

**Азиз НУРУЛЛАЕВ**

Андижон Вилояти

# ЭРТАНГИ КУНГА ҚАТЪИЙ ИШОНЧ БИЛАН...

**Мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантириш, аҳолининг турмуш фаровонлигини юксалтириш, хусусан, "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастури ижросини таъминлаш борасида олиб борилаётган кенг кўламли ишлар юксак самаралар бермоқда. Буни Андижон вилоятида амалга оширилаётган салмоқли ишлар мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.**

**Ижтимоий ҳаётнинг турли жабҳаларида амалга оширилаётган ўзгаришлар, хусусан, "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастурида белгиланган вазифаларнинг бажарилиши ҳақида Хўжаобод тумани ҳокими Эркинжон ЁҚУБОВ Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги – ЎзА мухбирига қуйидагиларни гапириб берди:**




– Истиқлол шарофати билан юртимизнинг барча жойида бўлгани каби Хўжаобод туманида ҳам улкан ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Қишлоқ ва маҳаллалар ободонлаштирилиб, янги корхоналар, кенг ва равон йўллар, таълим ва тиббиёт масканлари, спорт мажмуалари, сўлим боғ ва хиёбонлар бунёд этилмоқда. Барча соҳада эришилаётган бундай натижалар туфайли Хўжаобод тумани вилоятимизнинг илғор туманларидан бирига айланди. Айниқса, Мустаҳкам оила йилида ҳудудимизда қурилиш ва ободонлаштириш ишлари кўлами кенгайди.

Жорий йилда туман марказидаги Мирзо Улуғбек шоҳ кўчаси таъмирланиб, икки четида замонавий меъморчилик услубида бир-биридан кўркам бинолар барпо этилди. "Ёшлар маркази", "Хўжаобод" деҳқон бозори, сунъий қопламали мини футбол майдони, "Оқшом" ёшлар кафеси каби ўнлаб ижтимоий, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш объектлари фойдаланишга топширилди. Бундай кенг кўламли ободончилик, бунёдкорлик ишлари хўжаободликлар қалбида чексиз фахр-ифтихор, шукроналик туйғуларини уйғотмоқда, уларнинг келажакка ишончини янада мустаҳкамламоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 3 августда қабул қилинган "Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори асосида 2010-2011 йилларда намунавий лойиҳалар бўйича Солпи маҳалласида 50 та уй қурилган бўлса, жорий йилда туман марказидаги Навоий номли маҳаллада ана шундай 30 та замонавий уй қад ростламоқда.

Қишлоқ аҳолиси учун замонавий лойиҳалар асосида, барча инфратузилмага эга уйлар қурилиб берилаётгани хўжаободликларни беҳад қувонтирмоқда. Асосан 3-4 хонадан иборат намунавий уйларда барча шароит яратилган, ҳар бир уйда алоҳида коммунал тармоқ мавжуд. Шинам, кенг ва ёруғ хоналарда яшовчиларнинг барча эҳтиёжи инобатга олинган. Янги ташкил этилаётган массивларда савдо дўкони, сартарошхона ва бошқа бир қатор хизмат кўрсатиш объектларидан иборат мажмуалар ишга туширилаётгани эса одамларга катта қулайлик, қолаверса, шу жойларда қўшимча янги иш ўринлари яратиш имконини бермоқда. Бир сўз билан айтганда, барпо этилаётган янги уйлар ҳар жиҳатдан халқимиз турмуш фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилмоқда.

Туманда сервис ва хизмат кўрсатиш соҳаси ҳам изчил ривожланмоқда. Қишлоқ ва маҳаллаларда савдо мажмуалари, хизмат кўрсатиш шохобчалари тобора кўпаймоқда. Жорий йилнинг ўтган тўққиз ойида туманимизда 90 дан зиёд замонавий савдо, маиший ва хизмат кўрсатиш объектлари ишга туширилди. Бу, албатта, аҳолига катта қулайликлар яратиш билан бирга, жойларда инфратузилма ривожига катта ҳисса қўшмоқда. Ушбу объектларнинг ишга туширилиши натижасида янги 210 иш ўрни яратилди.

Кичик бизнес эгалари ва хусусий тадбиркорлик билан шуғулланувчи кишилар сони ҳам ортиб бормоқда. Жорий йил 1 октябрь ҳолатига кўра, туманда 2004 кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъекти турли йўналишлар бўйича фаолият кўрсатмоқда. Иқтисодиётнинг муҳим бўғини бўлган тадбиркорларнинг ташаббуслари ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда. Натижада, бу соҳанинг иқтисодиёт ривожидаги улуши йилдан-йилга ўсиб бормоқда.

Туман иқтисодиётининг юксалишида "Ал-Ҳаким", "Барчиной", "Нил-гранит", "Хўжаободсавдо" сингари саноат корхоналарининг ўрни катта. Маҳсулотларининг асосий қисми хорижга экспорт қилинаётган ушбу корхоналарнинг йиллик экспорт ҳажми 7 миллион АҚШ долларини ташкил этади.

Туманимизда моҳир чеварлар, уста косиблар, дўппидўзлар, турли йўналишлар бўйича иш олиб бораётган ҳунармандлар кўп. Улар томонидан тайёрланаётган маҳсулотлар бетакрор жозибаси билан ҳар қандай одамнинг эътиборини тортади.

Ҳунармандларимиз тайёрлаётган маҳсулотларининг сифатли, замонавий бўлишига алоҳида эътибор қаратмоқда. Шу боис ҳам улар фаолиятида ўсиш кузатилмоқда. Туманда фаолият олиб бораётган барча тадбиркору ҳунармандлар туман ҳокимлиги томонидан доимий қўллаб-қувватланмоқда, уларга зарур ёрдам кўрсатилмоқда. Жорий йилнинг биринчи ярмида турли манбалар ҳисобидан тадбиркорлик, ҳунармандчилик, оилавий бизнесни





ривожлантириши учун 6,7 миллиард сўм миқдорида кредитлар ажратилгани ҳам бунинг далилидир.

Бугунги кунда туманда 74 фермер хўжалиги фаолият кўрсатмоқда. Миришкор, катта тажрибага эга хўжаободлик деҳқонлар томонидан жорий йилда 2,7 минг гектар майдонда ғалла етиштирилиб, давлатга ғалла сотиш шартнома режаси ортиғи билан бажарилди.

Жорий мавсумда деҳқонларимиз 2762 гектар майдонда етиштирган пахтадан ҳам юқори ҳосил олишга эришдилар. Туман пахтакорлари белгиланган шартнома режасини биринчилардан бўлиб адо этдилар. Туман пахта хирмонининг юксалишида "Мустаҳкам юқори боғи", "Дилкушод дурдонаси", "Муҳиддин", "Дилкушод заминдори", "Қорабулоқ улуғлари", "Чилистун қуёши" сингари фермер хўжаликлари ҳиссасини алоҳида эътироф этиш жоиз.

Хўжаобод ажойиб боғлари билан ҳам машҳур. Элимиз дастурхонига сархил меваларни етказиб бераётган заҳматкаш боғбонларнинг меҳнатлари ҳар қанча таҳсинга муносиб. Айни кунда туманда 3 минг гектардан ортиқ майдонда боғ парваришланмоқда. Биргина жорий йилнинг ўзида 13 гектар майдонда янги интенсив боғлар барпо этилди.

Аҳоли бандлигини таъминлаш ва янги иш ўринларини яратиш борасида ҳам муайян ишлар олиб борилмоқда. Туманда жорий йилнинг тўққиз ойида 3629 янги иш ўрни яратилди. Доимий иш билан банд бўлганларнинг 1558 нафарини хотин-қизлар ташкил этади. Шунингдек, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу йил коллежларни 26 йўналиш бўйича тамомлаган 2046 нафар битирувчи иш билан таъминланди.

Айни кунда туманда 32 умумтаълим мактаби, 5 махсус ва ихтисослаштирилган мактаб-интернат, 20 мактабгача таълим муассасалари фаолият кўрсатмоқда. Таълим сифатини ошириш, таълим муассасалари моддий-техника базасини мустаҳкамлаш борасида ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда. Кейинги йилларда тумандаги таълим муассасаларининг 19 тасида капитал таъмир, 8 тасида капитал реконструкция ишлари бажарилди.

Туман тиббиёт бирлашмаси тасарруфидаги 7 даволаш-профилактика муассасаси, 20 қишлоқ врачлик пункти ҳамда 3 хусусий даволаш масканида туман аҳолисига малакали тиббий хизмат кўрсатилмоқда. Ушбу тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, тиббий хизмат сифати ва савиясини яхшилаш борасида олиб борилаётган ишлар самарасида кейинги йилларда аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш борасида ижобий натижаларга эришилди.

Туманимиз меҳнаткашларининг юксак марраларни кўзлаб, юрт равнақи, халқимиз фаровонлиги йўлида олиб бораётган самарали фаолияти замирида эртанги кунга ишонч, тинч ва осойишта ҳаётимизга, истиқлолимиз бераётган кенг имкониятлар, улуғ неъматларга шукроналик туйғулари мужассам. Шундай экан, ҳар бир кўчаси, маҳалласи обод бўлиб бораётган Хўжаободда улуғвор ишлар салмоғи ортаверади.

**ЎзА мухбири**
**Фахриддин УБАЙДУЛЛАЕВ**
**ёзиб олди.**

Жиззах Вилояти

# УМР САОДАТИ МЕҲНАТДАН

**Мирзачўл туманининг "Янгидала" сув истеъмолчилари уюшмаси ҳудудидаги "Хатирчи" фермер хўжалиги иш юритувчиси Турдимурод Аҳмедов дуққончилик 55 йиллик тажрибага эга. Унинг ана шу тажрибаси ҳосилдорлиги пасайиб кетган ерларни унумдор далага айлантиришда асқотди.**



Ғалла ҳосилдорлиги 20 центнердан 49 центнергача, пахта ҳосилдорлиги 14 центнердан 30 центнергача кўтарилди. Машаққатли меҳнатлари самараси ўлароқ Турдимурод Аҳмедов кўксини "Шуҳрат" медали безади.

Турдимурод ота меҳнатлари маҳсулида у билан 53 йил елкама-елка яшаб, ҳаётнинг аччиқ-чучугини бирга тотиб, тўрт ўғил ва уч қизни тарбиялаган умр йўлдоши Ҳалима Аҳмедованинг алоҳида ҳиссаси бор, деб билади.

Ҳалима Аҳмедова ҳам қарийб қирқ йил пиллачилик, дала ишлари билан шуғулланиб, қатор мукофотлар олган.

– Меҳнат мукофотларидан ташқари яна бир катта мукофотимиз шуки, фарзандларимизнинг бахти-саодатини кўраётганимиз, – дейди Ҳалима она. – Тўнғичимиз Орзимуроджон – механизатор, Бахтиёр билан Фарҳоджонлар — фермер, Суннатжон – ишчи, Матлубахон – Навоий кон-металлургия комбинати ишчиси, Раҳима ва Рисолатхонлар эса ўша ерда кончилар шифокори. Улар йиғилганида ҳовлимиз гўё тўйга айланиб кетади. Фарзандлар ва 22 нафар неваралар қуршовида гўёки ёшликка қайтгандай ҳис этамиз ўзимизни.

**Келдиёр ЖЎРАҚУЛОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

# «KO`CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖНИНГ САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ БАРЧА ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ, ШУ ЖУМЛАДАН, КИЧИК БИЗНЕС ВАКИЛЛАРИ ҲАМДА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛАРНИ ОЧИҚ ТАНЛОВ САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

**I. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 147-сонли қарори, Каттақўрғон шаҳар ҳокимининг 2012 йил 20 октябрдаги №663-Қ сонли қарорига асосан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга қуйидаги ер майдонидан узоқ муддатли фойдаланиш ҳуқуқи танловга қўйилмоқда:**

**1.** Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси биноси қуриш учун, Каттақўрғон шаҳри Д.Эшбеков кўчаси ҳудудида жойлашган, майдони 1200,0 кв.м.дан иборат бир дона ер майдонидан узоқ муддатли фойдаланиш ҳуқуқи. Ер майдонига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати 400 800 сўм.

Мажбуриятларнинг бошланғич ҳажми Каттақўрғон шаҳар архитектура бўлими томонидан тайёрланган шаҳарсозлик топшириғи асосида белгиланади. Шаҳарсозлик топшириғи нусхаси талабгорларга танлов ҳужжатлари билан бирга тақдим этилади. Мажбуриятларни бажариш танлов ғолиби танлов мажбуриятларини бажариш тўғрисида шартнома тузилган кундан бошлаб 2013 йилнинг 20 декбргача бўлган муддатда амалга оширилиши лозим.

Танловда иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш билдиришнома матбуотда эълон қилинган кундан бошлаб расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (тушлик вақти 13:00 дан 14:00 гача) ва 2012 йил 28 декабрь куни соат 18:00 да тўхтатилади. Талабгорлар танловда қатнашиш учун буюртманома берилишидан олдин "Танлов ташкилотчиси" билан тузиладиган закалат келишувига асосан, ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи минимал қийматининг 10 фоизи миқдорида закалатни закалат келишувига асосан танлов ташкилотчисининг мазкур билдиришномада кўрсатилган банк ҳисобрақамига тўлашлари шарт.

Танлов қатнашчиларининг таклифлари қайд этилган конвертлар Каттақўрғон шаҳри А.Темур кўчаси 4-уй, Каттақўрғон шаҳар ҳокимлиги биносида 2012 йилнинг 29 декабрь куни соат 11:00 да очилади ва 2012 йил 29 декабрь куни соат 16:00 да мазкур ҳокимлик биносида танлов ғолиби аниқланади. Комиссия томонидан танлов таклифи энг яхши деб эътироф этилган талабгор танлов ғолиби деб топилади.

Юқоридаги ер майдонидан фойдаланиш ҳуқуқи 2012 йилнинг 29 декабрь куни сотилмаган тақдирда, мазкур ер майдонлари юзасидан такрорий танлов савдолари 2013 йилнинг 29 январь ва 1 март кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

Такрорий танловда иштирок этиш учун талбгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш 2013 йил 28 январь ва 28 февраль кунлари соат 18:00 да тўхтатилади.

Такрорий танлов иштирокчиларининг таклифлари қайд этилган конвертлар Каттақўрғон шаҳар ҳокимлиги биносида 2013 йил 29 январь ва 1 март кунлари соат 11:00 да очилади ва шу кунлари соат 16:00 да танлов ғолиби аниқланади.

**II. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 147-сонли қарори, Ургут тумани ҳокимининг 2012 йил 15 мартдаги №268-Қ сонли қарорига асосан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга қуйидаги ер майдонидан доимий фойдаланиш ҳуқуқи танловга қўйилмоқда:**

**1.** Автомобилларга суюлтирилган газ қуйиш шохобчаси биноси қуриш учун, Ургут тумани Бешбулоқ ҚФЙ Сариқтепа маҳалласи ҳудудида жойлашган, майдони 2200,0 кв.м.дан иборат бир дона ер майдонидан доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер майдонига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати 550 398 сўм.

Мажбуриятларнинг бошланғич ҳажми Ургут тумани архитектура бўлими томонидан тайёрланган шаҳарсозлик топшириғи асосида белгиланади. Шаҳарсозлик топшириғи нусхаси талабгорларга танлов ҳужжатлари билан бирга тақдим этилади. Мажбуриятларни бажариш танлов ғолиби танлов мажбуриятларини бажариш тўғрисида шартнома тузилган кундан бошлаб 2013 йилнинг 31 июнгача бўлган муддатда амалга оширилиши лозим.

Танловда иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш билдиришнома матбуотда эълон қилинган кундан бошлаб расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (тушлик вақти 13:00 дан 14:00 гача) ва 2012 йил 28 декабрь куни соат 18:00 да тўхтатилади.

Талабгорлар танловда қатнашиш учун буюртманома берилишидан олдин "Танлов ташкилотчиси" билан тузиладиган закалат келишувига асосан, ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи минимал қийматининг 10 фоизи миқдорида закалатни закалат келишувига асосан танлов ташкилотчисининг мазкур билдиришномада кўрсатилган банк ҳисобрақамига тўлашлари шарт.

Танлов қатнашчиларининг таклифлари қайд этилган конвертлар Ургут шаҳри А.Навоий шоҳ кўчаси 104-уй, Ургут тумани ҳокимлиги биносида 2012 йилнинг 29 декабрь куни соат 11:00 да очилади ва 2012 йил 29 декабрь куни соат 16:00 да мазкур ҳокимлик биносида танлов ғолиби аниқланади. Комиссия томонидан танлов таклифи энг яхши деб эътироф этилган талабгор танлов ғолиби деб топилади.

Юқоридаги ер майдонидан фойдаланиш ҳуқуқи 2012 йилнинг 29 декабрь куни сотилмаган тақдирда, мазкур ер майдонлари юзасидан такрорий танлов савдолари 2013 йилнинг 29 январь ва 1 март кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

Такрорий танловда иштирок этиш учун талбгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш 2013 йил 28 январь ва 28 февраль кунлари соат 18:00 да тўхтатилади.

Такрорий танлов иштирокчиларининг таклифлари қайд этилган конвертлар Ургут тумани ҳокимлиги биносида 2013 йил 29 январь ва 1 март кунлари соат 11:00 да очилади ва шу кунлари соат 16:00 да танлов ғолиби аниқланади.

Ер участкаларига бўлган чекланган (мажбуриятлар олинган) ҳуқуқлар мавжуд эмас.

**Танлов ташкилотчиси** - "Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ Самарқанд вилояти филиали. Танлов ташкилотчисининг манзили: Самарқанд шаҳар Бўстонсарой кўчаси 85-А уй, Тел/факс: (8-366) 233-80-56, электрон почта: rieltsavdo@inbox.uz. Расмий сайтимиз: www.1kms.uz. **Лицензия** № RR 0001.

Танловда қатнашиш истагида бўлган талабгорлар танлов ташкилотчисидан танлов ҳужжатларини энг кам ойлик иш ҳақининг бир баробари миқдоридаги ҳақ эвазига олади.

Талабгорлар танловда иштирок этиш учун танлов ташкилотчисига буюртма хат билан бирга қуйидаги ҳужжатлар илова қилинган буюртманомани икки нусхада тақдим этади:

- юридик шахслар - давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, шунингдек, ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда унинг танловда қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;
- жисмоний шахслар - паспорт нусхаси (якка тадбиркор сифатида фаолият юритаётган жисмоний шахслар давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси), танловда ваколатли вакил қатнашганда ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ҳолда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;
- танлов ташкилотчисининг банк ҳисобрақамига закалат тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжатидан нусха;
- танлов ҳужжатлари талабларига мувофиқ тузилиб, муҳрланган конвертларга жойлаштирилган икки нусхадаги танлов таклифлари.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча вароқлари талабгорнинг имзоси, агар талабгор юридик шахс бўлса, унинг муҳри ва ваколатли шахснинг имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

Танлов ҳужжатларини олиш учун тўловлар ва закалат пулини тўлаш учун танлов ташкилотчисининг банк реквизитлари: АКБ "Турон банк" Самарқанд бўлимидаги қуйидаги ҳисобрақамга тўлашлари шарт: 20208000104920609013, МФО: 00282 СТИР:207122519

Танлов ҳужжатлари ва қўшимча маълумотлар олиш учун манзил: Самарқанд шаҳри Бўстон Сарой кўчаси 85-А уй. Мурожаат учун тел: (8-366) 233-80-56.

**Ташкил этилаётган танлов савдолари бўйича савол ёки эътирозларингиз бўлса, қуйидаги ишонч телефонларига мурожаат этишингизни сўраймиз: (+99871) 228-78-96, 228-80-23. Факс: (+99871) 228-80-26. Электрон почта: rieltsavdo@inbox.uz**

**«Ko`chmas mulk savdo xizmati» масъулияти чекланган жамияти кўчмас мулк бозорида фаолият кўрсатаётган барча юридик ва жисмоний шахсларни ҳамкорликка таклиф этади. Жамиятимизда сизларга барча турдаги кўчмас мулклар, шу жумладан, уй-жойлар ва квартиралар бўйича юқори даражада сифатли риэлторлик хизматлари кўрсатилиши кафолатланади.**

# «UNIVERSAL AUKTSION INVEST» МЧЖ

## ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОСИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

